

“O‘ZKIMYOSANOAT” AKSIYADORLIK JAMIYATI

БҮЙРУК

Тошкент ш.

129-сон

2021 йил «21» октябрь

“Ўзкимёсаноат” АЖ коррупцияга қарши бошқарув тизимини жорий этицида ходимлар билан ишлаш йўналишини тартибга солиш ва ички меъёрий-хукукий хужжатлар тўпламини шакллантириш максадида

БУЮРАМАН:

1. “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларига номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш низоми лойихаси ишлаб чиқилганлиги ва жамият Кузатув кенгаши ихтиёрига кўриб чикиш учун такдим этилганлиги мавзумот учун кабул килинсин.

1. Кўйидагилар:

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг “Кадрлар сиёсати” 1-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўрикнома 2-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналарига ишга кабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўрикнома 3-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖда ходимларни танлаб олиш ва тахлил қилиш тўғрисида низом 4-иловага мувофик;

Фукарорий-хукукий туслаги шартнома бўйича ижроини танлашни тартибга солини йўрикномаси 5-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ходимлари захирасини шакллантириш бўйича йўрикнома 6-иловага мувофик;

“Ўзкимёсаноат” АЖ ижро аппарати ходимларини ротация қилиш тартиби 7-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Юкорида кўрсатилган ички меъёрий-хукукий хужжатлар жорий йилнинг 1 ноябрь кунидан кучга киритилиши таъминлансин ва тегишли ходимлар белгиланган тартибда таништирилиши таъминлансин.

3. Келгусида қонунчиликка киритиладиган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, янги коррупция омилларига ўз вактида барҳам бериш максадида ички меъёрий-хукукий хужжатларга тегишли ўзгариши, кўшимчалар киритиш ва такомиллаштириш бўйича тахлил ишлари олиб борилсан.

4. Мазкур буйрук ижросини назорат қилишини ўз зиммамда колдираман.

Бошқарув раиси

Ж.Т.Мирзамахмудов

“Ўзқимёсаноат” АЖнинг
21.10.2021 йилдаги 129-сонли бўйргига
2-ИЛОВА

**“Ўзқимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналари ходимларининг этика
ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

1-боб. Умумий қондадар

1. Ушбу Йўриқнома “Ўзқимёсаноат” АЖ ва тармок корхоналари (Жамиятлари)да (кейинги ўринларда – Жамият) ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва кўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат киладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг бошқа ички хужжатларига катъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Жамият ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари

4. Жамият ходимларини ўқитиш қўйидаги тамойилларга асосланади:

холислик ва илмийлик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўкув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар хамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётгига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигиги таъминлайди;

амалий жихатдан қулагайлик – Жамият ходимларини ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек, ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда кўллаш имкониятини назорат килинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик – этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўкув материаллари, шунингдек, Жамият ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва вокеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошлангичдан мукаммалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;

хаммабоилик – ўқитиш Жамият ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини хисобга олиш, Жамиятнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўкув материалларини шакллантириш;

дифференциалланган ёндашув – Жамиятда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини

хисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллааб турган ходимлар коррупцияга карши кўшимча равишда маҳсус ўқитилади;

Ўқитиш усуслари ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириш – Жамият ўкув материалларини ишлаб чикиш, ўқитиш, шунингдек, Жамият ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текириш вактида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютукларидан фойдаланишга харакат килади.

3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари

5. Ўқитиш шакллари ва усусларини аниқлашда, шунингдек, этика ва коррупцияга карши курашиш соҳасидаги ўкув материалларини шакллантириша Жамият ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар куйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Жамиятнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва заарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси конуучилиги, Жамиятнинг Коррупцияга карши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга карши хулқ-атворнинг ахлоқий кадриятлари ва Жамиятнинг бошқа ички хужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя килишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Жамият ходимларини корхонада амал қилувчи коррупцияга карши кураш тамојиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чикишига хизмат қилувчи шартшароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиягини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Жамиятнинг этик хулқ-атвор коидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ишлаб чикиш ва ўтказишга масъул шахслар

6. Жамиятнинг Кадрлар билан ишлаш тузилмалари Жамият ходимларини ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўкув материалларини ишлаб чикиш, ўқитиш, шунингдек, Жамиятда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъуллар.

7. Жамиятнинг Коррупцияга карши курашиш ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) Жамият ходимларини ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга карши кураш соҳасидаги ўкув материалларни ишлаб чиқади, ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Жамиятнинг Кадрлар билан ишлаш тузилмалари ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат килади.

9. Жамият Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар билан ишлаш тузилмаси тегишли тажрибага эга ҳалқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Жамиятда белгиланган тартибда) асосида ўкув материалларини тайёрлаш ҳамда ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

10. Ўқитиш қуидаги ўкув дастурларини кўзда тутиши лозим:

барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;

Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш;

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш.

11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Жамият тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий хисобланади.

12. Жамиятнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни тақорорлаш имкониятини яратиш лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши конунчилиги, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан, ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, хукуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига кўйилган талаблар, Жамият ходимларининг коррупциявий харакатлари аниқланганда, харакатлар кетма-кетлигига доир ички хужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошка талаблар соҳасидаги хукуқни кўллаш амалиётiga доир билимлар;

олинган билимларни кўллаш кўникмалари, жумладан, Жамиятнинг турли фаолият соҳаларидағи коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобидияти, Жамиятда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда кўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзуулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Жамият ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Жамиятнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва Жамиятда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар тақорорланишини таъминлаши лозим.

14. Жамият ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал канчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда кўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Жамият ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда, коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффакиятли ўзлаштирилган хисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у тақорий тест синовларини тест топшириган кундан бошлаб 5 иш куни ичидаги топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга карши ўқитиш коррупцияга карши умумий ўқитишдан мустакил (кўпимча) равиша ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Жамият ва тармоқ корхоналарида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувоғик шакллантирилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қўйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуслари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа килишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўни мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган кўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички хужжатлар.

19. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эксперталарни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (Жамиятлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

20. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илгор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

21. Ушбу Йўрикноманинг 19-бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида 10 (үн) соатни ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги

22. Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички хужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

23. Жамият ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

24. Жамият ходимлари қўйидаги ҳолларда коррупцияяга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Жамиятда коррупциявий харакатлар билан боғлик ҳолатлар аникланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомининг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортгандা;

Жамият раҳбари карорига мувофиқ.

25. Жамиятга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичida коррупцияяга қарши ва Жамият ходимларининг этик хулк-атвори коидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўкув санасини белгилашда этика ва коррупцияяга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гурухда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўкув шакли учун) ва мазкур бобнинг 22-23-бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати хисобга олинади.

Кейинги коррупцияяга қарши умумий ўқитиш ва Жамият ходимларининг этик хулк-атвор коидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Кадрлар тузилмаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

26. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлик ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда маҳсус коррупцияяга қарши ўқитиш этика ва коррупцияяга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Кадрлар тузилмалари ҳар йили ўқитиш жадвалини тузади ва 31 декабргача уни Жамият раҳбари тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари хисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек, ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар тузилмасининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қиласи. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўкув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варакаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишни бошка санага кўчириш максадида Кадрлар тузилмасини огохлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва хужжатларни сақлаш

28. Кадрлар тузилмаси Жамият ходимларининг этика ва коррупцияяга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни йигиб боради ва уларни ҳар чоракда Жамиятнинг Ички назорат тузилмасига тақдим этади.

Жамиятнинг Ички назорат тузилмаси олинган маълумотларни таҳлил киласи (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзуулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари корректировка қилинишини (зарурат тугилгацда) таъминлайди.

29. Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Кадрлар тузилмаси раҳбари бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огохлантиради.

30. Ўқитиш жадвали, йўклама варакалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошка хужжатлар Кадрлар тузилмасида сакланади.

8-боб. Якуний қоидалар

31. Ушбу Йўрикнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички хужжатларидаги ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илгор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Жамиятнинг Ички назорат тузилмаси мазкур Йўрикномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

32. Жамият ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошка омиллардан қатъий назар мазкур Йўрикноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва тизим корхоналари
ходимларининг этика ва коррупцияга қарши
курашни соҳасида ўқитишишини ташкил
қилини бўйича йўриқномага илова

**Жамият ходимлариниң коррупцияга қарши курашиш умумий ўқитишишиниг
ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

Мавзу	Компонентлар
Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-хукукий ҳодиса сифатидаги мазмuni; Жамиятда коррупцияга муносабат.
Коррупцияга қарши курашишиниг хукукий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги конунчилик; Жамиятда коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халкаро амалиёт.
Жамиятда коррупцияга қарши курашиш усуллари	Жамиятдаги коррупцияга қарши курашни тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шархи; Жамиятдаги манфаатлар тўқиапувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Жамиятниң коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинималарниң мажбурият ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вактдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чикиш тамойиллари).
Коррупциявий хавф- хатарлар ва типик	Жамиятдан хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларниң асосий турлари; Назорат-руҳсат бериши функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий

Мавзу	Компонентлар
коррупциявий ҳаракатлар	<p>хавф-хатарлар;</p> <p>Совғалар ва ишбилармонлик мөхмөндүстлиги белгилари бериш/олишидаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Ходимларни Жамиятта таңлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек, лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий Жамиятлар фаолиятини мувоффиклайтириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Турли хужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек, улар ижросини назорат килиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;</p> <p>Жамият фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.</p>
Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик	<p>Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;</p> <p>Коррупциявий ҳаракатлар учун жинонй жавобгарлик;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шархи.</p>
Коррупцияга қарши курашилда фуқаролик жамияти роли	<p>Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;</p> <p>Фуқароларнинг хукукий маданиятини ошириш;</p> <p>Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва хулқ-атворини шакллантириш;</p> <p>Фуқаролик жамияти институтларининг Жамият билан ўзаро ҳамкорлиги.</p>